

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВА ҚОЗОҒИСТОН: ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Давлат раҳбарининг икки кунлик ташрифи доирасида Брюсселда Бельгия ва Европа Иттифоқи раҳбарияти билан учрашди. Шунингдек, Қозоғистон Президенти Бельгия Қироли Филипп билан учрашиб, Бовазир Александр Де Кроо ва Европа Кенгаши президенти Шарл Мишель билан музокаралар ўтказди.

Давлатлар ўртасидаги мустаҳкам ишонч ва ҳамкорликнинг амалий натижаларига эришишга қатъий ўзаро интилиш уни янада ривожлантириш учун көнг имкониятлар очмоқда. Бугун мамлакатлар бунинг учун зарур салоҳиятга эга экани қайд этилди.

Учрашувда ўзаро савдони кенгайтириш, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, ахборот технологиялари, тиббиёт, фармацевтика, туризм соҳаларида қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, таълим, маданият ва бошқа йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Давлат раҳбарлари шерикликнинг янги йўналишларини самарали ривожлантириш массадида турли даражадаги мулоқотни фаол давом эттиришга тайёр эканини таъқидлади.

Ташриф доирасида Қасим-Жўмарт Тўқаев Европа комиссияси раисаси Урсупа Фон Дер Ляйен билан учрашиб, ҳалқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар бўйича ҳам фикр алмашилди ҳамда Қозоғистон ва ЕК ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқиди.

Икки томонлама мулоқотлар, шу жумладан, иқтисодиёт, қонун устуворлиги, демократик янгиланишлар, инсон ху-



қўклари, хавфсизлик ва бошқа устувор йўналишларда ҳамкорлик фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажми жадал ортоқда, Европа етакчи компанияларининг илғор тажрибаси ва технологияларини жалб қиласан ҳолда йирик сармоявий лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

Қозоғистон ва ЕК ўртасида кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик түғрисидаги битим бўйича музокараларни якунлаш ва уни тез фурсатда қабул қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Бельгияга

расмий ташрифи арафасида Европа ташки алоқалар хизматининг Россия, Шарқий ҳамкорлик, Марказий Осиё, Минтақавий ҳамкорлик ва ЭХХТ бўйича бошқарувчи директори Микаэл Зиберт Европа Иттифоқи ва Қозоғистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларга ўз муносабатини билдири.

– Биз Қозоғистон Республикаси Президенти Қ. Тўқаевнинг Брюсселга ташрифини кутмоқдамиз. Бу Европа Иттифоқи ва Қозоғистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлардаги муҳим воқеадир, чунки Қозоғистон Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги энг йирик ҳамкори ҳисобланади.

Қозоғистон иштироки ушбу ҳамкорликни ижобий томонга ривожлантироқда. Биз Европа ва Марказий Осиё ўртасидаги сиёсат, иқтисодиёт ва бошқа соҳалардаги муносабатларни янада ривожлантиришни кўзламоқдамиз, – деди Микаэл Зиберт.

Эслатиб ўтамиз, Европа ташки алоқалар хизмати (EEAS) Европа Иттифоқининг дипломатик хизмати ҳисобланади. У Европа Иттифоқи ташки ишлар идораси раҳбарига кўмак кўрсатади.

**Қозоғистон ва жаҳон
ахборот агентликлари
маълумотлари асосида.**

ҚОЗОҒИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ III МИНТАҚАВИЙ ФОРУМИ ЎТДИ



Туркистонда Ҳукумат раҳбарлари иштирокида “Трансчегаравий ҳамкорлик ўсиш нуқталари сифатида” мувзууда Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги III минтақаларaro ҳамкорлик форуми ўтди.

Тадбир доирасида икки мамлакатнинг бош вазирлари савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим масалаларини муҳокама қилишиди.

Анжуманинг биринчи кунида икки мамлакатнинг ишбильармон вакиллари учрашди. 40дан зиёд B2B шаклидаги учрашувлар ўтди.

Музокаралар давомида тузилган шартномаларнинг умумий қиймати 200 миллион доллардан ошади.

ҚР Савдо ва Интеграция вазирлигининг маълум қилишича, 2021 йилнинг 9 ойида Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги товар айланими 2 886,9 млн. АКШ долларни ташкил этди, бу 2020 йилга нисбатан 28,5 фоизга юқори.

Қозоғистоннинг Ўзбекистонга экспортининг асосий маҳсулотлари: ишлов берилмаган пўлатдан ясалган хомашёлар, автомобиллар, мис концентратлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (буғдој, ун, ўсимлик мойи ва хоказо).

Шунингдек, Ўзбекистондан келадиган асосий импорт – мева-сабзавотлар, ғишт ва қурилиш ашёлари, керамика, этилен полимерлардир.

Тадбир ҳақидаги батағсил ахборот газетамизнинг келгуси сонида эълон қилинади.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

ОЛТИН КУЗНИНГ ОЛТИН ЛАҲЗАЛАРИ

ТУРКИСТОНДА ҚР ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИГА БАҒИШЛАБ, “ОЛТИН КУЗ-2021” ҲОСИЛ БАЙРАМИ ЎТДИ

Туркистон вилоятининг қишлоқ хўжалиги соҳаси меҳнаткашлари жорий ийли улкан ютуқлар билан поёнига етказяпти. Деҳқончиликни ранг-баранг-лаштириш натижасида 3,3 млн. тонна ҳосил олиниб, рекорд кўрсаткичга эришилди. Туркистондаги “Конгресс Холл” биносида “Олтин куз – 2021” байрами тадбири ўтди ва унда қишлоқ хўжалиги мевалари натижалари сарҳисоб қилинди.



Даставвал, Туркистон минтақасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларининг кўргазмаси уюштирилди.

Сўнг, тантанали йиғинда Туркистон вилояти ҳокими Ўмирзак Шўкеев барча деҳқонлар ҳамда чорвадорлар, агросоҳа вакилларини ҚР Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни билан табриклиди.

– Сизларни касб байрамингиз – Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклиман. Куни кеча Nur Otan партияси сиёсий кенгашининг кенгайтирилган мажлисига Элбоши Нурсултан Назарбаев “давлатчиликнинг етти устуни” тамоилларига алоҳида тўхтади. Унинг биринчиси – Мустақиллик. Жорий йил Мустақилликнинг 30 йиллигини қарши олапмиз. “Мустақиллик кўприги”, “Фарбий Европа – Фарбий Хитой” йўли, “Бейнеу–Бўзай–Шимкент” газ қувури орқали юзлаб хонадонлар газ билан таъминланди. Импорт газга қаралмик камайиб, минтақанинг 60 фоизи табии газга уланди. Туркистон шахри уч-

йилда таниб бўлмас даражада ўзгарди. Минтақада чорвачилик ривожланмоқда. Гўшт экспорти бўйича Туркистон вилояти мамлакатимизда биринчи ўринга чиқди. Шу билан бирга, обикор ерларни ўзлаштириб, сабзавот, полиз маҳсулотларини етиштиришда ҳам Туркистон вилоятининг салоҳияти юксак. Об-ҳавоси қулай. Минтақамиз агросоҳа бўйича юртимизда пешқадам. Қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимларининг ушбу ютуқлардаги ҳиссаси залворли, – деди вилоят раҳбари ўз нутқида.

Тантанали тадбирида қишлоқ хўжалигининг турили соҳаларида пешқадам деб топилган соҳа мутахассислари ҳамда энг яхши туман раҳбарларининг меҳнатлари муносиб баҳоланди. Туркистон вилоятининг ҳокими Ўмирзак Шўкеев байрам билан ҳамюртларимизни кутлаб, бир гурӯҳ фуқароларга ҚР Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Меҳнат фахрийи” медалини топшириди.



Шу жумладан, Ж. Шарип, Қ. Еспенбетов, Қ. Ахметов, Қ. Асирауов сингари фуқароларга эхтиром кўрсатилди. Б. Шампиев, Ҳ. Азимов, Ҳ. Ниёзметов “Қишлоқ хўжалиги соҳасининг аълоҷиси” кўкрак нишони билан тақдирланди. Шу билан бирга, минтақа раҳбари илфор туман, шаҳар ҳокимларига вилоят ҳокимининг ташаккурномаларини топшириди. Туманлар орасида биринчи ўринин Сайрам тумани эгаллаб, туман ҳокими У. Садибеков тақдирланди. Агар соҳага сармоя жалб этишдан Қазигурт тумани ҳокими А. Абдуллаев ҳамда Үрдабоши туманининг ҳокими Б. Батиршаев илфор, деб эътироф этилди. Ширкатлар бўйича маҳсулот ҳажмини оширишда Мақтаарал тумани етакчи бўлса, қишлоқ хўжалиги лойиҳаларини кредитлашда Жетисай тумани илфор, деб топилди. Шунингдек, чорва ва экин хўжалигининг турили соҳалари бўйича пешқадам, деб топилган туманларнинг раҳбарлари ҳам эътибордан четда қолмади.

Тадбирда Nur Otan партияси Туркистон вилоят филиали раисининг биринчи ўринбосари Бейсенбай Тажибаев 25 энг илфор агротузилма вакилларини ҳам тақдирлади. Уларнинг орасида “Tulpar May” МЧБнинг директори Т. Серикбаев, “Жумабай” деҳқон хўжалигининг раиси Ж. Маханов, “Шарбулақ” ишлаб чиқариши ширкатининг раиси Е. Ашир, “Барыс-2050” ишлаб чиқариши ширкатининг раиси М. Анетов ва бошқалар бор.

Таъкидлаш жоизки, жорий йил экинларни ранг-баранг-лаштириш натижасида вилоятда сабзавот, полиз, картошка маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ўртача 20 центнерга ўсиб, ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан 500 минг тоннага ошиди. 10 ойда ялпи маҳсулот ҳажми 805,3 млрд. тенгени ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 128,7 млрд. тенгега ўси.

М. САҶДУЛЛАЕВА.

Туркистон вилоят маслаҳати сессияси котибининг қарори

2021 йил 24 ноябрь N7 – III қарори
Туркистон шахри.

ЕТТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ТУРКИСТОН ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИНИНГ НАВБАТДАГИ ЎН УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТҮГРИСИДА

2001 йил 23 январдаги “Қозоғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини-ўзи бошқариш түгрисида” ҚР Қонунинг 10-моддаси 2-бандига мувофиқ, еттинчи чақириқ Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдаги ўн учинчи сессияси 2021 йил 10 декабрь куни соат 11:00да вилоят ҳокимлиги биносида ўтишини мълум қиламан. Манзил: Туркистон шахри, “Жаңа қала” кичик тумани, 32 кўча (1-қаватдаги мажислар зали).

● Вилоят маслаҳатида

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИ ДЕПУТАТЛАРИ ВА ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

“Қозоғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини-ўзи бошқариш түгрисида” Қозоғистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ, еттинчи чақириқ Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдаги ўн учинчи сессияси 2021 йил 10 декабрь куни соат 11:00да вилоят ҳокимлиги биносида ўтишини мълум қиламан. Манзил: Туркистон шахри, “Жаңа қала» кичик тумани, 32 кўча (1-қаватдаги мажислар зали).

Депутатлар ва чақирилганларни рўйхатга олиш 10 декабрь куни соат 10:00дан бошлаб зал фойесида юритилади.

Сессия мухомкамасига қўйиладиган масалалар:

1. Туркистон вилоят маслаҳатининг 2020 йил 11 декабрдаги №54/557-VI “2021-2023 йилларга мўлжалланган вилоят бюджети түгрисида” қарорига ўзгартишлар киритиш түгрисида;

2. 2022-2024 йилларга мўлжалланган вилоят бюджети түгрисида;

3. Туркистон вилоятининг жамоат сало-

матлиги бошқармаси раҳбарининг бошқарма зиммасига юклатилган мажбуриятлар ва вазифаларининг ижроси юзасидан ҳисоботи;

4. Минтақадаги этнослараро тотувлик ва ижтимоий барқарорликни асрарша йўналтирилган тадбирларнинг ижроси юзасидан Туркистон вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси раҳбарининг ҳисоботи;

5. Туркистон вилоят маслаҳатининг 2018 йил 28 сентябрдаги №30/329-VI “туркистон вилоят ҳокимлиги қошибдаги тероризмга қарши комиссиянинг шахсий таркибини тасдиқлаш түгрисида” қарорига ўзгартишлар киритиш түгрисида;

6. Туркистон вилоят маслаҳатининг 2018 йил 28 сентябрдаги №30/331-VI сонли “туркистон вилоят ҳокимлиги қошибдаги ушган жиноятчиликка қарши иш-ҳаракат масалалари бўйича комиссиянинг шахсий таркибини тасдиқлаш түгрисида” қарорига ўзаришлар киритиш түгрисида;

7. Туркистон вилоят маслаҳатининг 2018 йил 28 сентябрдаги №30/329-VI “туркистон вилоят ҳокимлиги қошибдаги хукуқбузарлик профилактикаси бўйича идоралараро ко-

миссиянинг шахсий таркибини тасдиқлаш түгрисида” қарорига ўзгартишлар киритиш түгрисида;

8. Туркистон вилоят маслаҳати беъзи депутатларининг депутатлик ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш түгрисида;

9. Туркистон вилоят маслаҳати доимий комиссияларининг 2021 йилги хизмати бўйича ҳисоботи;

10. Туркистон вилоят маслаҳатининг 2022 йилга мўлжалланган иш режаси түгрисида;

11. Туркистон вилоят маслаҳати ҳамда унинг девони хизматини таъминлашнинг 2022 йилга мўлжалланган харажатлар сметаси түгрисида;

Сессия кун тартибига бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.

Еттинчи чақириқ Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдаги ўн учинчи сессиясининг онлайн-намойиши маслаҳатнинг maslahat-turkistan.gov.kz расмий сайтида олиб борилади.

**Қ. БАЛАБИЕВ,
вилоят маслаҳати котиби.**



ҚРда ободонлаштирилган уйларни ижарага олиш рекорд даражада – 18,5 фоизга ўси.



ТАДБИРКОР ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Түркістан вилоят тадбиркорлар палатасыда “Хотин-қизлар тадбиркорлигін ривожлантириш” марказы фаолиятini бошлади. Марказ Ҳамкорлик жамғармасы, Миллий иқтисодиёт вазири, ҚР Президенті қошидаги Хотин-қизлар иши ва оиласвий-демография сиёсати бүйічі міллій комиссия ҳамда “Атамекен” Миллий тадбиркорлар палатасы ҳамкорлигі доирасыда ташкил қилинди.

У мамлакатимизнің республика ахамиятига ега шаҳарлари ва вилоят мәрказларыда очиладын 17та марказыннан дастлабкиси сифатыда тарихда қолады. Ташиббус Осиё Тараққиёт банки маблаги хисобидан молиялаштырилады ва уни Қозоғистоннің БМТ Тараққиёт дастуры амалға оширады.

Марказыннан очилиш тантанасыда ҚР Президенті қошидаги Хотин-қизлар ишлары ва оиласвий-демография сиёсати бүйічі міллій комиссия раисасы Лаззат Рамазанова, Миллий иқтисодиёт вазири ўринбосари Алишер Абдиқадиров, вилоят ҳокими ўринбосари Арман Жетпісбай, “Атамекен” Миллий тадбиркорлар палатасы бошқарувының Үлжас Үрдаев ве халқаро ташкилдар вакиллары, дипломаттар иштирок этилди.

Тадбир Қозоғистон Республикасы Мұс-

тақыллигининг 30 йиллиги ва Халқаро хотин-қизлар тадбиркорлигі куни мұнабати билан үюштирилди.

Статистика маълумотларына күра, Қозоғистонда хотин-қизлар бошқарадын корхоналар 42,3 фойзі ташкил қиласы. Л. Рамазанова марказ мінтақада иқтисодиётни ривожлантириш, одамлар тұрмуш даражасында оширишга хизмат қилишини тақылдады.

— Хотин-қизлар тадбиркорлигін ривожлантиришни құллаб-қувватлаш уларнан ҳуқуқлары ва имкониятларын көнгайтириш, барқарор иқтисодий үсіншік ижобий таъсир үткәзади. Биз ушбу ташиббус Қозоғистоннан турлы мінтақаларда амалға оширилишидан хұрсандымз, — деди БМТнің Қозоғистондагы доимий вакили ўринбосари Виталий Времиш.

Марказ орқалы үз ишини юритаёт-



ган тадбиркор аёллар ва тадбиркорлар болан шүгүланаётган қызы-келинларға барча хизмат турлары бүйічі өрдем күрсатылады, шунингдегі, бизнес лойиҳаларни амалға оширишда амалий өрдем берилады.

Бундан ташқары, тренинглар, маҳорат сабаклары үюштириш, имтиёзли насия беріш, тайёр маҳсулотларни бозорда соғында ҳам күмак беріш күзде тутилған.

**Вилоят ҳокимининг
матбут хизметі.**

“Айбын” VII республика ҳарбий ватанпарварлық үйгінінда Туркістан вилоятінан иштирок этиб, III ўринни әгаллаган «Төлеби арландары» ҳарбий ватанпарварлық клубы аuezоларынан Түлеби тұмани ҳоким мұсовини С. Дүйсебаев қабул қылған, уларға ташаккурнома ва қимматбақо совғалар топшырды. Тақдирлаш маросимидан сұнг ғолиб жамоа аuezолары Ленгер шахрида истиқомат қылаётган Улуғ Ватан уруши фахрийиси Александра Капустина билан учрашиши.



ВАТАНПАРВАРЛИК САБОГИ

Александра Капустина 1922 йили Ақмұла вилояты, Атбасар тұманида туғилған.

— Очарчилик бошланиб, одамлар ҳар томонға тарқаб кетишди, — әслайди фахрий.

— Мен 8 ёшда әдім. Бир куни дадам Ленгер шахрига күчамыз, укам шахтада ишлеётганды экан, менга ҳам иш топиб қойыбы, деді. Ва биз күк-күрөнімизні олиб, Ленгерге йұл олдик. Отам ишке қабул қылғынан, бізге Александровка қышлоғынан үй берішди. Бу ерда мектеп йұқ ғұлғаны учун 5-синфғача 6 чакирим йұл босиб, Первомаевка қышлоғынан мектебге қатнаб үқидік. Сұнг Ленгерде мектеб қурилған, 7-синфни шаҳарда тұтады. Кейин Украина ның Запорожье вилоятінде үқишиңде кетдім. Бир ойдан кейин уруш бошланды. Биз, талабалар үқишиңи ташлаб, вагонларға алюминий ортардик. Бир куни вагонларда ядрор аскарларни олиб келишди. Бириңінде құлғы, бошқасыннан оғе үйік. Чимкент вилоятінде келген 19 қызы буны құрғып, үйнегләп юбордик. Аёл майор бизни көйіп берді.

— Кап-ката қызларсыздар. Ҳозир иғлайдиган вақтми? Фронта санитаркалар етишмаяпты. Яхшиси, фронт-ға ёзилинглар.

Биз комсомол әдік, шунинг учун құнмай иложимиз үйік әди. Бизге бир ой бириңчи тиббий өрдем күрсатыншы үргатыб, фронтта жүннатышды. Бириңчи жаңға ҳозирғидай, ёдымда. Қоннинг күплигини құрғып, ийғлаганман. Кейин аста-секін күнінің бошлады. Лекін барыбір, оёқ ё құлдан айрилған аскарларни күрсам, үзімни үйінан тиёлмасдым. Шу аснода йиллар үтді. Бир куни биз ярадорларни олип кетаётганды поездға авиабомба түшди. Құллар қалок бўлди. Мен ҳам яраланыб, қулогим әшитмай қолди. Уч ой госпиталда даволанғач, уйига юбориши. Ленгердеги шахтада ишлай бошлаганимда радиода ВЛКСМ Марказынан құмитасыннан барча комсомоллар аuezоларидан фронтта өрдем сұралған мурожаати үқиб әшиттирилди. Мен яны фронтта отландым. Қыргызстанда алоқачи мутахассислиги бүйічі ҳарбий тайёргарлардан үтіб, автобатальон, авиаполк таркибида жаңға қылдым. Құп үтмай, Сталинград жаңига иштирок этиб, илк бор урушынан даҳшатини анграба етдім. Чанг-түзөн, тутун ва ёнаётганды үйлару-үрмөнлардан күш ҳам, осмон ҳам күрінмай қолған әди. Үйкесіз тунлар бошланды. Бир куни құмбондонлик ва артиллерия үртасында



алоқа үзилиб қолди. Үқ әмғири остида бориб, алоқаны тикладым. Бу ишимни құмбондонлик жасорат деб баҳолаб, «За отвагу» медалига тавсия қылды.

“Хамма нарса – фронт учун, хамма нарса – Ғалаба учун!” деган ғоя әл-Юртимизнің ҳаёттій әထိကိစာ အောင်. Ҳалқымыз туну күн тинимсиз меңнат қилиб, улкан миқдордаги озиқ-овқат,

жонларынан фидо эттан қаҳрамонлар хотиразы ҳамиша барҳаёт бўлсин! Барча әзгу орзу-ниятларингиз амалга ошиян! Юртимиз тинч, ҳалқымыз омон бўлсин! Доимо соғ-саломат бўлинг! – деди Александра Петровна.

Б. ДЎСМАТОВА.

Түркістанда Халқаро “Қозоқ тили” ҳамжамиятінинг қурултойи үтди.

● Тараққиётнинг 30 йили

Кишилар ўз тарихларини ўзлари яратадилар. Инсон, унинг фаолиятидан ташқарида тарих ҳам, тараққиёт ҳам бўлмайди. Осоишталик ҳар кимга, ҳар жойда ҳам зарур. Киши хотиржам бўлсагина, ҳаётда кўзлаган мақсад ва орзу-ҳавасларини амалга ошириш йўлида саъй-ҳаракат қила олади, деб ёзган эди Тўнгич Президент, Элбоши Н. Назарбаев юртимиз мустақиллигининг ilk йилларида.

Тинчлик, осоишталик туфайли мустақил юртимиз йилдан йилга обод бўлиб, халқимиз фаровонлиги йил сайин ортиб бормоқда.



ИСТИҚБОЛГА ЮЗ ОЧАЁТГАН ТУМАНДА

Дарҳақиат, тинчлик қарор топган юртда хотиржамлик ҳукм суради, оқибатда, жамиятда ҳар томонлама юксалиш ва ривожланиш рўй беради. Одамларнинг ўзаро бир-бирларига ишонч ва садоқатлари, меҳр ва мурувватларининг самимий бўлиши ҳам асосан хотиржамликка боғлиқдир.

Элбошимиз «Қозғистон-2050» стратегиясида жамиятимиз олдида турган барча вазифаларни ҳал этишининг энг асосий мақсади – халқ фаровонлигини ошириш, аҳоли турмушини яхшилаш, дея таъкидлаган эди. Мустақиллигимизнинг 30 йиллигини нишонлаш борасида Тўлебий туманида бу сўзлар ўз аксини топди. Табиий газ қатор кишлоқларга кириб борди, хонадонларда зангори олов пайдо бўлди. Сўнгги уч йилда туманимизда ўнлаб кишлоқлар газлаштирилди, янги мактаблар, ижтимоий-маданий иншоатлар қурилиб, фойдаланишга топширилди, буларнинг барчаси мустақиллигимиз шароғиди.

Мустақиллик йилларида тадбиркорлик, ишбилармонликка кенг йўл очилди. Бунинг натижаси ўларок, топган сармояларини ўз оиласи, қишлоғи манфаатлари йўлида сарфловчилар кўпайди. Хусусий болалар боғчаларининг очилиши ҳам шулар жумласидандир.

Иссиқоналар, мева сақлашга мўлжалланган совутгич омборлар, замонавий савдо марказлари, кичик ишлаб чиқариш цехлари очилмоқда. Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаев жорий йилги Мактубида юртимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтилган йўллари, эришилган ютуқлар, қўлга киритилган натижалар чукур таҳлил қилиб берилди. Дунёнинг мана-ман деган мамлакатлари жаҳон иқтисодий, молиявий инқизориздан азият чекаётган бир шароитда диёримизда улкан қурилиш – бунёдкорлик ишларининг амалга оширилаётгани, алп корхоналар, намунали уй-жой бинолари барпо этилаётгани ҳақиқатдан ҳам танлаган тараққиёт йўлимиз тўғри эканининг тасдиғи бўлмоқда.



Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга берилаётган эътибор қишлоқ хўжалигига банд бўлган аҳолининг асосий қисми саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб этилаётгани, фан ва таълим, маданият ва спорт соҳаларида юксалишлар ўз бераётгани – буларнинг барчаси жаҳонда “Қозғистон модели” номи билан танилган исплоҳотларимиз нуфузини янада оширишга хизмат қилмоқда.

“Қиёсласанг – миқёсими биласан” деган гап бор, халқимизда. Шу боис, истиқпол ҳақида сўз кетганида, Мустақиллик шарофаидан қўлга киритилган қадриятларимиз мавзудиа гап очилганида беихтиёр яқин ўтмиш воқеалари кўз опдимида гавдаланади. Ҳали мустақилликнинг дастлабки йиллари давлатимиз раҳбарининг Парламент минбарида туриб айтган сўзлари қулоқларимиз остида жаранглагандек бўлади. Ҳақиқатдан ҳам “мустабид тузум, мустамлакатлик даврида биз ким эдик? Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг кўлида эди? Ҳар тонг “Ассалом!” деган мусиқа оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонар эдик?...

Етмиш йилдан ортикроқ давом этган давосиз дард изтиробларини ҳали узоқ сўзлаш мумкин. Аммо, нолиш маъносида эмас, ундан сабоқ олиш мақсадида яқин ўтмиш воқеаларини ўсиб келаётган авлодга етказишимиз керак. Қолаверса, бу ўтмиши унтишга асло ҳақимиз йўқ. Зоро, шусиз мустақилликка тўлақонли муносабат билдириб бўлмайди. Шусиз авлодларимиз онгидагу шуқроналиқ ҳиссини камол топтира олмаймиз.

Отабой РАҲИМОЗИЕВ.

КУЛТУБЕ ҚАЛЬАСИГА ЮНЕСКО ҚИЗИҚИШ БИЛДИРМОҚДА

Култубе – замонавий Туркистоннинг бешигидир. Тарих сирлари яширинган бу муқаддас даргоҳга нафақат қозғистонлик, балки жаҳон олимлари ҳам жамияти қизиқиши билдиримоқда. Ҳозирги кунда ушбу қадими манзилгоҳни ўрганиш ишлари Евроосиё гурӯҳи (ERG) молиявий кўмагида Қозғистон илмий-тадқиқот маданият институти (ҚазИТМИ) ходимлари томонидан олиб борилмоқда.



– Туркистон шаҳрида 1200дан зиёд тарихий обидалар ва ёдгорликлар мавжуд. Ҳалқаро эксперплар эътиборини тортган ёдгорликларнинг бири – Култубе қалъаси. Эксперпларнинг айтишича, қалъа археологик паркнинг ўзагига айланиши мумкин, – дейди Марғулан номидаги археология институти директори, Миллӣ Фанлар академиясининг академиги Бауржан Байтанаев. – Култубени ўрганиш – Туркистон тарихи биз ўйлагандан ҳам теран эканлиги тўғрисида аниқ хulosса чиқаришга имкон берди. Култубени ўрганиш натижасида Туркистон даврига муносабат ўзгарди ва энди биз шаҳар камида 2200 йил бўлганигина ишонч билан айтишимиз мумкин. Шаҳарнинг пойдевори бундан ҳам олдинроқ қўйилган бўлиши эҳтимол.

«Култубе қалъаси» лойиҳасининг илмий етакчиси Андрей Хазбулатов муқаддам Култубе қалъасидаги илмий изланишлар натижалари Боку шаҳрида ўтган Бутунжаҳон мерослари қўмитаси ийғилишида, Париждаги ЮНЕСКО Штаб-квартирасида муҳокама қилинганини таъкидлади.

– Қозоқ маданият илмий-тадқиқот институти олиб борган қазилма ишларида кўпчилик сайёхлар учун қизикарли, шу билан бирга, авваллари тарих учун номаълум бўлиб келган топилмалар юзасидан теран илмий текшириш олиб бориш зарур, – дейди Марказий Осиёни тадқиқ қилиш ҳалқаро институти директори Д. Воякин.

Ҳалқаро эксперплар Култубе қалъасининг археологик иншоотларини илмий қайта тиклаш лойиҳаси иштирокчиси, таниқли меъмор, Ўзбекистон реставрация илмий-loyiҳaлаш институти илмий ходими Владимир Артемьевнинг фикрича, Култубе қалъаси нафақат Қозғистон учун аҳамиятга эга, балки бу ерда минг йиллик тарих ва маданий мерослар бор.

Култубе қадими Ясси шаҳрининг бир қисми бўлганиглиги сабабли, ЮНЕСКО эксперплари консервация қилинадиган ва қисман тикланадиган иншоотларга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Улар орасида ҳунармандлар уйлари, қадими савдо расталари, устахоналар, ички ҳовлилар ва XII-XIX асрларга мансуб қамал деворлари мавжуд.

– Тарихий иншоотларни қайта тиклаш юзасидан таклиф қилинган лойиҳа материаллари тўлиқ илмий асосларга эга дейиш мумкин. Бу келажакда археологик паркнинг виртуал турларини ташкил этиш учун яхшигина назарий база бўлиб хизмат қилади, – дейди ЮНЕСКО эксперти Пабло Лонгория (Испания).

Култубе қалъасида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларига эксперплар юксак баҳо беришди. Олимлар хуносаси ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мерослари ёдгорлигини баҳолаш бўйича умумий эксперплар ҳисоботига киритилади.

Қозғистон ахборот агентликлари
маълумотлари асосида.



АЛЛОҲНИНГ ГЎЗАЛ ИСМЛАРИ

Аллоҳ Аъроф сурасининг 180-оятида: «Аллоҳниң гўзал исмлари бор, улар билан дуо қилинглар», дейилган. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Аллоҳ таолонинг тўқсон тўққиза – бир кам юзта исми бор. Ким уларни санаса, жаннатга киради. Аллоҳ тоқдир ва тоқни яхши кўрур», дедилар. Бу ҳадисни Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилишган. Имом Термизий ва бошқа мұхаддислар ҳадиснинг давомида Аллоҳ таолонинг исмларини келтиришган:

- 1) Аллоҳ.
- 2) ар-Рахмон.
- 3) ар-Раҳим.
- 4) ал-Малик.
- 5) ал-Кудус.
- 6) ас-Салом.
- 7) ал-Мўмин.
- 8) ал-Муҳаймин.
- 9) ал-Азиҳ.
- 10) ал-Жаббор.
- 11) ал-Мутакаббир.
- 12) ал-Холик.
- 13) ал-Бориъ.
- 14) ал-Мусавири.
- 15) ал-Гаффор.
- 16) ал-Қаҳҳор.
- 17) ал-Ваҳҳоб.
- 18) ар-Раззоқ.
- 19) ал-Фаттоҳ.
- 20) ал-Алийм.
- 21) ал-Қобиз.
- 22) ал-Босит.
- 23) ал-Хоғиз.
- 24) ар-Роғеъ.
- 25) ал-Мъизиз.
- 26) ал-Музилл.
- 27) ас-Самийъ.
- 28) ал-Басийр.
- 29) ал-Ҳакам.
- 30) ал-Адл.
- 31) ал-Латиф.
- 32) ал-Ҳабири.
- 33) ал-Ҳалийм.
- 34) ал-Азиҳ.
- 35) ал-Ғағур.
- 36) аш-Шакур.
- 37) ал-Алий.
- 38) ал-Қабири.
- 39) ал-Ҳағифиз.
- 40) ал-Муқийт.
- 41) ал-Ҳасиб.
- 42) ал-Жалийл.
- 43) ал-Қаријм.
- 44) ар-Рақијб.
- 45) ал-Муҗиб.
- 46) ал-Восеъ.
- 47) ал-Ҳакиҷим.
- 48) ал-Вадуд.
- 49) ал-Мажијд.
- 50) ал-Боъис.
- 51) аш-Шаҳид.
- 52) ал-Ҳақ.
- 53) ал-Вақијл.
- 54) ал-Қавиј.
- 55) ал-Матијн.
- 56) ал-Валиј.
- 57) ал-Ҳамијд.
- 58) ал-Мұхсий.
- 59) ал-Мубдиј.
- 60) ал-Муъид.
- 61) ал-Мұхий.
- 62) ал-Мумийт.
- 63) ал-Ҳай.
- 64) ал-Қайјум.
- 65) ал-Вожид.
- 66) ал-Можид.
- 67) ал-Воҳид.
- 68) ас-Сомад.

Эслатма. Ушбу газетада Қуръон ояллари ёзилгани учун ножоиз жойларга қўйилмасликларингизни сўранамиз.

БІЛІНІЗ – ҮЗАҚ ӨМІР СҮРІНІЗ!

Жыл сайын инсульт бірнеше ми-

лон жанды о дүниеге аттандырып жатыр. Ақштың өзинде 40 секундта бір инсульт орын алады. Ал елімізде жыл сайын 40 мың адам инсульт тырнағына іліксе, 5 мыңы алғашқы 10 күнде қайтыс болады. Олардың ішінде 53% ерлер болса, 47% әйелдер. 41-60 жас аралагындағылар осы дерттің торына түстептің қаупітті топка кірсе, 61-70 жас одан кейінге орынға жайғасқан. Ал 71 жастан жогарыларда 28%, 16-40 жас аралығындағылардың көрсеткіші – 4%.


Инсульт дегеніміз не?
Инсульт – ми қан айналымындағы проблемадан туынрайтын. Геморрагиялық инсульт – ми қан тамырының бірінн үзілуі, түйілуі немесе тығындалуы, ал ишемиялық инсульт – тамыр өз қабығасының тұтастасын сақтағанымен, қаның ағымы тромбымен түйілуіне немесе тығындалуына байланысты тоқтап қалуы.

Бас ми тамырларының аурулары – жалпы аурулар құрылымында, халықтың елім-жітім көрсеткішінде кеп кезде-



ЮСУФ САРЁМИЙ НОМИДАГИ МАСЖИД ОЧИЛДИ

Ахли мусулмон интизорлик билан кутган Сайрам даҳасининг “Тошкент” маҳалласида янгидан қурилган Юсуф Сарёмий номидаги масжид очилди. Масжиднинг ўзгача қиёфаси, нозик дид билан таъмирланган барчамизнинг кўзимизни қувонтиргани ҳақиқат. Таъмирда маҳалла ахли, зиёлилар, мўйса-фид отахонлар, ҳомийлар иштирок этишиди.



Тантанани олиб борган Эргаш ҳожи Дўсметов Аллоҳниң ердаги уйи қурилишига ҳомийлик қилганлар, усталар ҳаққига дую килиб, Сайрам даҳаси тўбебийи Қурбонбой Шамшиметов, Мирзаҳмад ҳожи Тўламетов, меҳнат фахрийлари Турсунхўжа Хонхўжаев, Ирсали Мажҳамбоев ва масжид имоми Ҳусан Сайрамбой ўғлини даврага чорлади. Шавкат Корининг Қуръон тиловатидан сўнг, ҳожи оталар масжид қурилишида беминнат хизмат қилганлар, ҳомийлик қилганларга миннатдорчилик билдиришиб. Улар қурилишининг бош-қошида бўлган Ҳусан Раҳимжонов ва Толиббой Ниёзҳожиевларнинг хизматларини алоҳида этироф этишиди.



Шундан сўнг, Туркистан вилоят маслаҳати депутати Тўрегелди Қалмуратов, Шимкент шаҳар маслаҳати депутати Лазиз Сулаймоновлар маҳалла ахлини шодиёна билан кутлашди.

– Бугун шахримизда катта байрам. Биз бу кунни йиллар давомида орзиқиб кутдик. Аллоҳ барчангиздан рози бўлсин. Жамоат келишган ҳолда ҳомийларнинг исми-шарифларини ошкор қиласлика келишиб. Чунки, ҳомийлик қилганлар, садақа берғанлар, турли ёрдам кўрсатганлар барчасини Аллоҳ учун қилдик, дейишибди. Ҳадисда: “Ким масжиди биттағаш кўйса, унга жаннатдан олтин қаср бераман”, деган Аллоҳниң каломи бор. Кореяда мусофирчилликда юрган йигитлар ҳам қурилишга ўз хиссаларини қўшишиб. Улар юртимизга омон-

есон қайтиб келишсиз. Ким нима ниятда юрган бўлса, ниятига етсиз. Кўп ҳолларда иш бошида турган қаҳрамонлар эътибордан четда қолиб кетади. Бекзод Имомсанов, Ҳамид Ҳусанов, Толиббой Ниёзҳожиев, Ҳамза Мирҳожиев, Шомурод Шониёзловларнинг хизматидан Аллоҳ рози бўлсин, улар ёзинг жазира маисигида ҳам, қишининг қаҳратон совуғида ҳам тик туриб меҳнат қилдилар, – деди масжид имоми Ҳусан Сайрамбой ўғли.

Шундан сўнг, отахонлар рамзий тасмани қирқиб, янги масжидда намозларини адо этишиди.

Масжиднинг очилиш тантанасидан сўнг, “Салтанат” тўйхонасида эҳсон берилди.

Хуршид Қўчқоров.

сетіндіктен және алғашқы мүгедектікі себеби болып отыргандықтан, заманауи қоғамың медициналық-әлеуметтік саласындағы маңызды мәселелердің бірі болып қала бермек. Мидагы қан айналымының жіті бұзылуының көп таралуына адамның мінез-құлық факторларында қауіп-каторлар аса маңызды рөл атқараади. Оған темекі шегу, дұрыс тамактанбау мен семіздік, физикалық белсенділікің болмауы, ішімдікің қордану, жогары қан айналымы, диабет пен гиперлипидемия инсульттің орын алу қуарып күштейте түседі.

Инсультты дер кезінде анықтай-

білсе, оның салдарынан туындаityн көптеген проблемалардың жолын кесу болады. Өкінішке орай, инсульттің қаупін нөлдік дәнгейде жеткізу мүмкін емес. Профилактикалық шаралардан блек, инсульт қалай келетінін және қандай жедел шаралар қолдану көркітін кез келген адам білу керек. Өзіңзеге, не жақын туысыңызға көмегініз типі қалуы ғажап емес.

Шахрият МИРХАЛДАРОВА,
12-ШҚЕңиң ЖТ дәрігері.
Латофат ХАЙТМЕТОВА,
12-ШҚЕңиң нефролог-дәрігері.

“Жанубий Қозғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяты ҳайдаровичи Улугбек Режаметовга қайнатаси
Муҳаммаджон Қосимов-
нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чукур татьяния изҳор қилади.

Аллоҳ марҳумни ўз раҳматига олган бўлсин!

Собиржон Отаев – 70 ёши...

Иирик тадбиркор, Туркистан шаҳри, вилояти, республиканинг Фахрий фуқароси Собиржон Карим ўғли Отаев 70 ёшини қаршиламоқда.

С. Отаев меҳнат фаолиятини 1968 йили Туркистан шаҳридаги 8-сонли механизациялашган кўчма колоннада чилангарликдан бошлиди. Шимкентдаги кимё-технология институтини қурувчи-муҳандис иҳтисоси бўйича тамомлаган. Ишлаб чиқаришда уста, муҳандистехнолог, цех бошлиги бўлиб ишлади. Бир корхонада 43 йил меҳнат қилди. Nur Otan партияси аъзоси.

1993 йилнинг январида "Ақ жол" МЧБни очди. Бугунгача мазкур фирманинг раҳбари сифатида самарали меҳнат қилмоқда.

"Ақ жол" қурилиш корхонаси 1995 йили Туркиянинг "Зафер" фирмаси билан ҳамкорликда Ахмад Яссавий номидаги Халқаро қозок-турк университети поїдерорини бунёд этди. Ҳамда дорилғуннинг мемориличик-муҳандислик йўналишлари бўйича қурилиш ишларини амалга ошириди.

1999 йили Болгария ва Италия фирмалари билан

бирга Мақтаарал туманида мелиорация ишларини амалга ошириди.

2000 йили Туркистан шаҳрининг 1500 йиллик юбилейи арафасида қатор иншоотларни барпо этди ҳамда шаҳарнинг айланма йўли қурилишига муносиб ҳисса кўшиди.

2004 йили Қозоғистон-Франция давлатлари қўшма корхонаси "Катко" фирмаси билан ҳамкорликда "ҚазАтомпром" учун Сўзок туманида қурилиш ишларини олиб борди.

2005 йили Туркистан шаҳрида 1200 ўринли икки мактаб, шунингдек, Шимкент шаҳридаги "Нурсат" кичик туманида кўп қаватли уйлар курди.

2006-2011 йиллари Ўтрор туманида Бирлашган Араб Амирликлари буюртмаси бўйича қиймати 8 миллиард тенгени ташкил этувчи Иирик сармоявий қурилиш ишлари бажарилди.

Туркистан, Кентов шаҳарлари, Сўзок, Ўтрор туманла-

ри ҳамда Қизилўрда вилоядаги қўпрак қурилишлари ҳамда таъмиглаш юзасидан кўламдор ишларни амалга ошириди.

2010 йилдан буён Қизилўрда ва Жанубий Қозоғистон вилоятлари ҳудудида "Farbiiy Xitoy - Farbiiy Evropa" автойоли қурилиш лойиҳасида фаол иштирок этмоқда.

Мустақиллик йиллари "Ақ жол" фирмасида техникалар сони 12дан 300гача, ишчиходимлар сони 30дан 1000 кишигача кўпайди.

Туркистан вилояти маркази Туркистан шаҳрининг равнақи, йўл қурилиши, мамлакат маҳсулот ишлаб чиқариш, вилоят марказини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳаларида муносиб ҳиссаси учун Туркистан вилояти ҳокимлигининг "Энг илғор корхона раҳбари" номинацияси билан тақдирланган.

Ҳаётда оддий, камтариш, ҳалқ орасида бооб-



рў инсон. "Ерен өнбеги үшін", "Еңбектеги жетестіктеги үшін", "Ең үздік құрылышы" медаллари соҳиби. ҚР Президентининг, вилоят, шаҳар ҳокимларининг "Ташаккurnoma"лари билан тақдирланган.

Ҳаётини бинокорлик соҳасига бахшида этган, бугунги кунда улкан жамоага раҳбарлик қилаётган Собиржон Отаевга сиҳат-саломатлик, янги зафарлар ҳамроҳ бўлсин.

Ш. МАДАЛИЕВ.



Табриклаймиз!

Туркистан вилояти, Саврон тумани, Югнак қишлоги, Отaxon АБДУВОСИТОВга!



Қадрли, ардоқли ва азиз падари бузрукворимиз! Сизни 70 ёшинингиз – муборак шукrona кунингиз билан қутлаймиз! Соғлик-омонликда ва ҳамиша хушкайфиятда юришингизга тилак дошмиз!

Турмуш ўртоғингиз Рафиқаҳон ая билан берига умрингиз зиёда бўлиб, қўша қариб, фарзандлар, невара-чеварларинингизнинг роҳатини кўринг!

Эзгу ниятларингизнинг рўёбини кўриши Сизга насиб айласин!

Хонадонингиздан яхшилик, қутбарака аримасин!

Эҳтиром ила:
фарзандларингиз,
невараларингиз,
ука-сингил ва дўстларингиз.

• Мустақиллик тенгдошлари

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...



Мустақиллик тенгдошларидан бири – Гулмира Бойметова (тасвирида) Жанубий Қозоғистон тибиёт коллежининг "Доялик" бўлимими тамомлаган. У севган касбидан ташқари, ошпазлини ҳам жуда ёқтиради. Шунинг учун қандолатчилик билан шуғулдан бошлиди. Бу ишда унга тадбиркорлик соҳасида тажриба ортирган турмуш ўртоги Зарфаржон яқиндан ёрдам берди.

Инсонларга яхшилиқ қилиш – Гулмиранинг эзгу шиори. Унинг учун энг муҳими – оила тинчлиги ва фаровонлигидир. У келинлик, оналик, қолаверса, аёллик фазилатлари билан барчага ибрат бўлмоқда. Фарзандлари Элнур ва Баҳтиён – оила қувончи. Табиатан камтар, қалби дарё, қувноқ ва дилбар Гулмира Бойметова шу кунларда 30 ёшини қаршиламоқда.

Эл равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган Гулмира сингари Мустақиллик тенгдошлари кўпаяверсин, юртимиз тинч ва фаровон бўлсин!

И. ТОЖИБОЕВ,
меҳнат фахрийси.



ШИФОКОРЛАРДАН МИННАДОРМИЗ

Мен буғун суюкли нашрийизи – "Жанубий Қозоғистон" газетаси орқали болалар шифокори Муқаддас Муроджон қизи Нурматовага оиласизи ва ўзимнинг номимдан миннатдорчилик билдиримоқчиман.

Ўғлим Комрон шамоллаб, оғир аҳволга тушиб қолганда, шифокор Муқаддаснинг тажрибаси, малакаси туфайли 9 кунда оёққа турди. Унинг Жанубий Қозоғистон тибиёт академиисида олган билими, меҳнат фаолияти давомида тўплаган тажрибаси асқотди.

Сайрам даҳасидаги 3-сонли

Шимкент шаҳар шифохонаси-ning болалар бўлими мудирави, I тоифали шифокор Муқаддас Нурматованинг аҳил жамоаси ҳам дардманларга шифо улашишда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Ўғлим хаста пайтида унга қарашнинг ўзи оғир эди. Кучли йўтал, ҳансираш боламни аборг қилиб қўйган эди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли оиласизга қувонч қайтиб келди.

Раҳмат, Муқаддас Мурод қизи!



Малика Тўғонбой қизи.

Директор-Бош муҳаррир – Алишер Фоғуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Бош муҳаррир
ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба –
Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистан, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тўлебий — Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурут — Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам — Муҳтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Тулкибош — Мунира САҶДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистан вилояти ҳокимлиги.

Мулк эгаси – "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоӣ-сиёсий газетаси

таҳририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

- Маколалар, эълон ва билдиривлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилик маஸульдир.
- Фойдаланиммаган мақолаларга ёзма жавоб қайтирилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Туркистан шаҳри, "Жана қала" кичик тумани, 11-кўча, 26-бино, 3-кават. Телефон: 53-93-17.
Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

"ERNUR-print" МЧБ босмаҳонасида чоп этилди,
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кӯчasi, 22.

Буорта:

Нашр курсатини – 65466.
Адади – 11510 нусха.